

“Аккредитация қилинган синов (ўлчов) лабораториялари бўйича ахборот бериш” ДАВЛАТ ХИЗМАТИ РЕГЛАМЕНТИ

1. Хизмат (паспорти) тавсифи

1.1. Хизмат номланиши

Аккредитация қилинган синов (ўлчов) лабораториялари бўйича ахборот бериш

1.2. Хизмат натижаси

Хизмат натижаси бўлиб ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб аккредитация қилинган синов (ўлчов) лабораториялари бўйича ахборот бериш ҳисобланади

1.3. Хизмат кўрсатиш идоралари ва бланк олиш жойлари

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги – “Ўзстандарт” Агентлиги

1.4. Ҳуқуқий асослар

- Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сонли “Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 октябрдаги 292-сонли ““Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

1.5. Хизматни олувчилар

Юридик ва жисмоний шахслар.

1.6. Ижро муддатлари:

Бир зумда.

2. Хизмат олувчиларга маълумот етказиш

2.1. Умумий маълумотларнинг таркиби ва ҳажми

Фойдаланувчилар “Ўзстандарт” Агентлиги расмий веб-сайти www.standart.uz орқали хизмат тўғрисида тўлиқ маълумот олишлари мумкин

2.2. Кенг маълумот бериш

“Ўзстандарт” Агентлиги расмий веб-сайти www.standart.uz орқали хизмат тўғрисида кенг маълумот берилади.

2.3. Сўров бўйича маълумот бериш

Ушбу хизмат кўрсатилиши учун сўров бўйича маълумот бериш кўзда тутилган

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида маълумот бериш

Хизмат “Ўзстандарт” Агентлиги расмий веб-сайти www.standart.uz орқали кўрсатилади.

2.5. Фойдаланиладиган ҳужжат бланкалари (шакллари)

Ушбу хизмат учун ҳужжат бланкалари (шакллари)дан фойдаланиш кўзда тутилмаган

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Хизмат 24 саот мобайнида кўрсатилади

3.2. Кутишга талаблар

Ушбу хизмат учун кутиш ёки кутиш учун талаблар кўзда тутилмаган

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Керакли ҳужжатлар

Ушбу хизмат кўрсатилиши учун ҳужжатлар талаб этилмайди

4.2. Хизмат тўлови

Бепул

4.3. Давлат хизматининг бажарилиш босқичлари

4.3.1.

*1. Интернет тармоғига уланиш;
2. “Ўзстандарт” агентлигининг расмий веб-сайти www.standart.uz га таширф буюриш, “Хизматлар” бўлимига сўнгга “Давлат хизматлари” бўлимига кириш;
3. Керакли хизматни танлаш.*

4.4. Давлат хизматининг идоровий ички тартиби

Маъсул ҳодим ўрнатилган тартибда ҳар ойнинг 5 санасига қадар сайтда янгилаб боради

4.5. Рад этишга асос

Ушбу хизмат кўрсатилишига рад этишга асос кўзда тутилмаган

5. Сифатни таъминлаш

5.1. Сифатсиз кўрсатилган хизмат устидан шикоят

Фойдаланувчи сифатсиз кўрсатилган хизмат юзасидан ўрнатилган тартибда “Ўзстандарт” Агентлиги uzst@standart.uz электрон почта манзили орқали ёки ёзма равишда 00049, Тошкент ш., Форобий кўчаси, 333 «А» манзилига мурожаат қилишлари мумкин.